

ИШОНСН



Саҳифаларда:

Сабр-қаноат ҳам шукроналик

Эркинлик — бу бошбошдоклик, беҳаёлик, одобсизлик, кўнгил тусаганини қилиш, оғизга келганини гапириш дегани эмас. Бизга ўз миллий маънавиятимиз ва миллий кадриятларимиз мезонларига мос эркинлик керак. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз ўзимизга ва ўзлгимизга ёт бўлган ҳаёт мезонларидан эркин бўлишимиз керак.

2

Айро йўллар

...ўзингиз бир ўртага тушинг, ошнангизнинг оғзини мойлаймиз, ишқилиб, газетада босиб юбормаса бўлди. Афтидан, ҳужжатларни бирма-бир ўрганишидан авзойи чатоқ кўринади. Ахир биласиз-ку, «хатга тушдинг-ўтга тушдинг» деган гап бор.

4

Жиноят қош этилади

Мурда суд-тиббиёт экспертизасига жўнатилади. Эрталаб морта боришса, мурданинг юзлари, бўйинлари кўтчиб чиққан. Эр сўроқ қилинди. Қизлар — ўғай. Оталарининг мол-мулкани қизганишиб, оналарини ёмон кўриб қолишган. Бунга ота ҳам сезган.

9

Хонандалар нега «сарик матбуот»нинг эрмагига айланишмоқда?

Эндигина санъат соҳасига кириб келган ёш хонандалар билан суҳбатларда «ўзим куйлайман, ўзим шеър ёзаман, ўзим куй басталайман» деган жумлаларга бот-бот дуч келишингиз етмаганидек, улар тўғрисидаги материалларнинг аксарияти «машхурлар», «юлдузлар» рўқни остида берилишини ҳечам ҳазм қилиб бўлмайди. Албатта, буларнинг барчаси нафақат неча йиллардан бўён санъат соҳасида меҳнат қилиб, элнинг эътиборини қозониб келаётган кекса санъаткорларимизнинг, балки муштарийларнинг ҳам нафсониятига тегмай қолмайди.

10

Куз

Сариқ ортар,
камаяр яшил,
Тиллолардан
тўймайди бу кўз.
Баҳор каби
чақмайди яшин,
Мақтанади
ёмғир билан куз.

Куз шамоли
қамши най чалар,
Жилмаяр сув,
жимирлар этлар.
Чайлаларда
хурақ лайчалар.
Қовун ҳиди
атрофни тутар.

Чошгоҳ илмиқ
таратади мушк,
Хаёла қуши
чақнаган ўтдир.
Тобланади
офтобда мушук,
Атиргуллар
бўй сочар ўтқир.


Оқ қўшиқлар
йироқ қор айтган,
Илк жарчилар
ва лек елади.
Кўк қошларин
бироз қорайтган
Баргдан тупроқ
ҳиди келади.



TV ДАСТУРИ



СКАНВОРД



✓ Халқаро алоқалар

Бизни дунё танимоқда, биз дунёни. Бунда хусусан, жамоат ташкилотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари ўзларининг мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бошқа давлатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилмоқдалар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмаларга аъзо бўлмоқдалар. Бу ҳақда биз билан сўхбатда Раҳбар Раҳмонова қуйидагиларни сўзлади.

— Мустақиллик йилларида бозор муносабатларини эркинлаштириш ва жадаллаштиришни таъминлаш ҳисобига ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўтган ўн беш йил давомида фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналтирилган ҳуқуқий давлат асослари қуриш борасида катта ишлар амалга оширилди. Албатта, бу илғор анъаналарни ҳаётга жорий этишда касаба уюшмаларининг ҳиссаси катта. Давлат билан ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муносабатни шакллантириш, жамиятдаги манфаатлар уйғунлиги, давлат, иш берувчи ва ходимлар манфаатлари балансини ўрнатиш, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлат органларига ёрдам кўрсатиш — мана, бизнинг бугунги устувор вазифаларимиз. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига биздан аввалроқ ўтган, муайян тажрибага эга бўлган илғор давлатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорликни ўрнатишимиз ва ривожлантиришимиз зарур.

— **Хорижий ҳамкорларимиз**

ирасида ҳамкорлик ривожланмоқда.

— **Булар қайсилар?**

— Бу, аввало, меҳнат, бандлик, ижтимоий ҳимоя доирасида асосий тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш. Ўзбекистон 1998 йили Халқаро меҳнат конференциясида қабул қилинган декларация билан тасдиқланган ХМТ аъзосидир. Шунга мувофиқ,

ни ишлаб чиқиш бўйича биргаликдаги баробарида фаолиятни режалаштириш, ўзаро ҳамкорлик истиқболлини муҳокама қилишди.

Жумладан, Д.Жаҳонгирова меҳмонларга мурожаат қилар экан, бу ҳамкорлик Ўзбекистон касаба уюшмалари кадрларини ўқитиш илғор тажриба ва малака орттиришга хизмат қилиши-

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Ҳақида...

— Кейинги йилларда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Москвадаги эркин касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси вакиллари билан самарали ва мустақам алоқа ўрнатган. У бозор муносабатлари ва демократик тамойилларга мувофиқ фаолият кўрсатаётган жаҳон касаба уюшмалари марказидир. Ушбу ташкилот ёрдамида касаба уюшмаларининг долзарб муаммоларига бағишланган бир неча халқаро семинарлар ўтказилди. Хитой, Япония, Жанубий Корея миллий касаба уюшма марказлари, МДХ касаба уюшмалари, шунингдек, Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун Халқаро Меҳнат Ташкилоти бюроси билан жуда муҳим истиқболли вазифалар до-

республика касаба уюшмалари «Барча аёллар ва эркакларга муносиб иш», «Аёллар учун кўпроқ ва яхшироқ иш ўринлари» халқаро Дастурни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова билан Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Халқаро Меҳнат Ташкилоти минтақавий Бюроси директори Вернер К.Бленкнинг учрашуви ҳам бунга тасдиқлайди. Бу тадбирда, шунингдек, ХМТ минтақавий Бюросининг меҳнат ва бандлик бўйича бош мутахассислари Жанноб Стен Петерсон ва Мартина Любнова хоним иштирок этдилар.

Томонлар Ўзбекистонда муносиб меҳнат миллий дастури-

ни таъкидлаб, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг иш ҳақи ва ҳуқуқий ҳимояси борасидаги муаммоларга тўхталди.

Ўз навбатида жаноб Вернер К.Бленк Ўзбекистон касаба уюшмалари ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорлик тора кенгайиб бораётганидан, учрашувлар ўзаро ишонч муҳитида ўтаётганлигидан қониқиб ҳосил этганлигини, бу учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалардаги ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилишига ёрдам беражигини қайд этди.

М. ВЕЛИЕВА

✓ Хабар

ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАРМА

Маълумки, олий ўқув юрти талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақалари келгуси йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Ушбу тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида пойтахтда кенг миқёсда тайёрларлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Техника университети қошидаги 90 ўринга мўлжалланган санаторий-профилакторий капитал таъмирдан чиқарилди.

«Ўзбекинвест» Давлат акциядорлик суғурта компанияси ҳомийлигида олинган мазкур соғломлаштириш масканида 20 дан зиёд турли муолажалар амалга оширилади. Замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жихозлар билан таъминланган маскан намунали хизмат кўрсатишга шай этиб қўйилди. Таълим ва фан ходимлари шаҳар касаба уюшма кенгаши томонидан имтиёзли йўлланма олган талабалар бу ерда соғлиқларини тиклайдилар.

Ўз мухбиримиз

✓ Миннатдорчилик

ЯХШИЛИК

меҳр-оқибат ҳар қандай дарага даво

Бу дунёда ҳеч ким ногирон бўлмаган экан. Одатда яқинларнинг, дўсту биродарларнинг худди шундай кунларда билинар экан. Беморлик туфайли тўшақда михлаиб қолиш бир бўлса, етар-етмаслик, оила ташвиши, мактаб ёшидаги фарзандларнинг кам-кўстини ўйлаш ҳаммасидан охири тушади. Гапиролмай, юра олмай, роппа-роса бир йил ётдим. Бу кунлар оиламиз учун синов даври бўлди. Меҳнат фаолиятим асосан таълим-тарбия билан боғлиқ.

Қарши туманидаги А.Лохутий номидаги мактабда ўқитувчи, туман халқ таълими бўлимида тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича услубчи, вилоят халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти ва Қарши Давлат университетиде ўқитувчи бўлиб ишладим.

Ўз касбимни севаман. Ҳар қанча оғир дардга чалинмай, атрофимда яхши одамларнинг борлиги, уларнинг ҳиммати ва ғамхўрлигини ҳис қилиб турдим.

2002 йил 12 сентябр куни хизмат сафаридан қайтишда автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолдим. Юқорида айтганимдек, яхши одамларнинг ғамхўрликлари мени ҳаётга бўлган қарашларимни ўзгартирди, яшашга ундади. Менга моддий ва маънавий кўмак берган, вақтида қўллаган туман халқ таълими бўлими мудири Носир Каримов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Азамат Гавашев, бошқарма бўлими бошлиғи Фозил Нарзиёв, Хан Доля Алексеевна, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шодмон Кубаев, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассис Абдор Азизов, ҳуқуқшунос Ниёз Пардаев ва Қарши туман ҳокими Сайфулло Хайруллаевлардан бир умр миннатдорман.

Бурч ва масъулиятни, одамгарчилик ва меҳр-оқибатни унутмаган бундай инсонлар бор бўлса, ҳар қандай дардни енгиш осон кечар экан.

Ушбу миннатдорчилигимни газета орқали айтиб берганим, ўзим ҳам енгил тортдим, қувондим. Чунки яхшилик, меҳр-оқибат ҳар қандай дардга даво бўлар экан.

Ўтқир **ОСТОНОВ**,
Кашқадарё вилояти Қарши тумани,
Таллиқурон фуқаролар йиғини
Хушвақт қишлоғи, II гуруҳ ногирони

Хотиржамлик ва бахт қалити сабр-қаноатда. Инсон ҳаётда нимага эришмоқчи бўлса, ҳаммасига сабр-қаноат орқали эришади. Сабрсизлик эса, аксинча ҳаётда панд беради. Саъдий Шерозий таъбири билан айтганда, қаноат кишини қудратли қилур.

Сабр ва бардош Тангридан, шошалоқлик эса шайтондан-дир, дейилади Ҳадисда. Демак, сабр-қаноатли инсонлар Аллоҳнинг севган бандалари, яъни яхши инсонлардир. Ношукурлик, борига қаноат қилмаслик, тақдирдан нолиш, ҳасадгўйлик, аламзадалик, бошқаларнинг яхши ҳаётларини кўролмаслик каби ҳислатлар сабрсизлик оқибатида намоён бўлади. Булар охир-оқибатда инсонни турли бало-қазоларга гирифторм қилади. Чунки ҳасад ўти инсонни емиради.

Шубҳасиз, ҳар бир инсон яхши яшашни орзу қилади. Яхши яшашни фақат тўқчилик ва тўқчинчилик деб тушунамаслик керак. Тинчлик-осойишталик, эркинлик-озодлик, ҳидоят-хотиржамлик ҳам яхши яшаш деганидир. Ҳаётда буларнинг ҳаммаси уйғунлашиб кетган. Биз уларни алоҳида-алоҳида ҳолда тушунамиз. Бироқ, қонқонимизга, вужудимизга сингиб кетган шундай ҳис-туйғулар ҳам борки, моддий имкониятларни ҳамма нарсадан устун қўямиз-да, бошқалар биздан кўра яхшироқ яшашга-ку, деган ишонч билан ўз оромимизни йўқотамиз. Айниқса, биздан кўра «яхшироқ яшаётган» кўшнига, қариндош-уруғга, таниш-билишга ҳасад қиламиз. Бу аксарият аёлларга хос «касаллик». Арафа куни кўшнидан кирадиган ош-у бўғирсоқ, кўк сомса-ю сумалак ўзингидан мазалироқ туюлганидек, аёлларга ҳаммаша кўшниси ундан яхшироқ яшаётгандек кўринаверади.

Баъзан турли миш-мишларни ҳамда бошқалар яхши яшаётганлиги ҳақидаги гап-сўзларни эшитавериш эркакларни ҳам аёлмижоз ёки боламижоз қилиб кўяркан. Бугунги кунда айрим эркаклар баъзи кўшни давлатлар ҳақида оғиз кўпиртириб кўп гапирадиган бўлиб қолишди. Эмишки, улар биз-

дан кўра яхшироқ яшаётганимиз. Мен яқинда ўша давлатлардан бирида бўлиб, у ердаги ҳаётни ўзимиздаги ҳаёт

Сабр-қаноат ҳам шукроналик

билан қиёслаб кўрдим. Ишонинг, бизникдан фарқ қиладиган жиддий бир ўзгариш сезмадим. Аксинча, бизда тўқчилик ва тўқчинчилик. Айниқса, озиқ-овқат, полиз, мева-сабзавот маҳсулотлари бизда сароб. Таъминотда тақчиллик йўқ. Тўғриси, биз шукр қилиб яшашга муносибмиз!

Бизга тинчлик-осойишталик керак. Бунга сабр-қаноат билан эришилади. Сабрсизлик ношукурликка, ношукурлик эса норозиликка сабаб бўлганидек, норозилик исёнкорликни, исёнкорлик эса нотинчликни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳозирги тинч-осойишта кунимизнинг қадрига етайлик. Биз телеэкранларда нотинч юртлардаги мудҳиш манзараларни кўра эканмиз, ёр юзининг турли минтақаларида бўлиб турган можароларни кузатар эканмиз, баъзи давлатларда юз бераётган миллий-этник низолардан ноҳуш таассуротлар олар эканмиз, ўзимиз учун аниқ хулосалар чиқарамиз ва бугунги кунимизга минг бора шукроналар айтаемиз. Шубҳасиз, бу сабр-қаноатимизнинг меваси бўлса керак, деб ўзимизга ўзимиз таскин берамиз.

Саъдий Шерозий шундай дейди:
**Қаноатни қўлга киритолсанг, э дил,
Ором дунёсида ўзинг сарвар бил.**

Донишмандларнинг бундай сўзлари ҳар қандай кишига руҳий мадад ва ором бағишлайди. Ором дунёси деганда фақат тинчлик-осойишталикни, тўқчиликни эмас, балки эркинлик ва озодликни ҳам тушуномқ керак. Дарвоқе, эркинлик билан озодликка ҳам сабр-қаноат орқали эришилади. Эркинлик — бу бошбошдоқлик, беҳаёлик,

✓ Қадрият

одобсизлик, кўнгил тусаганини қилиш, оғизга келганини гапириш дегани эмас. Бизга ўз миллий маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз мезонларига мос эркинлик керак. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз ўзимизга ва

ўзлигимизга ёт бўлган ҳаёт мезонларидан эркин бўлишимиз керак.

Озодликнинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Биз «катта оғанинг қўлтиғи остида яшаб кўрдик. Агар яна шундай қилсак, оғизда «озодмиз» деганимиз билан амалда қарам бўлиб қолаверамиз. Оқибатда ўзгаларнинг ҳаёт мезонлари — «эркинлик»лари қурбони бўламиз. Бундай аҳволда ором дунёсида ўзимизни сарвар деб айтолмаймиз. Шунинг учун нафақат шахсий ҳаётда ва жамият ривожига, балки эркинлик ва озодлик қонуниятларига амал қилишда ҳам сабр-қаноат зарур.

Одатда, бошига ташвиш тушган, тақдир синовига йўлиққан, оғир дардга чалинган, адоват азобини тортган, ноҳақликка учраган одамларга сабр-қаноатли бўлишлик айтилади. Аслида ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар биримиз сабр-қаноатли бўлишимиз керак. Чунки, Низомий Ганжавий айтганидек, ҳар кеча сўнгида нури зиё бор, ҳар бардош сўнгида завқи сафо бор. Демак, сабр-қаноат эзгуликка, завқли кунларга элтади.

Ҳадисда бу борада кўп пурҳикмат сўзлар бор. Жумладан, бир ҳадисда шундай дейилади: «Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шукр қилувчи, бировларнинг қилмишини кечиргучи, ўзи бировга зулм етказса, тавба қилувчи кишиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур».

Илоё, хотиржамлик ва ҳидоят ҳар биримизга насиб этсин!

**Иброҳим НОРМАТОВ,
«Туркистон-пресс»**

Хатлар Ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

«Бандлик» дастури

2500 НАФАР КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бўшаб қолган ишчи кучини қайта ихтисослаштириш ва янги иш ўринлари барпо этиш соҳасида Кўшкўпир туманидаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, эътиборга молик бўлмоқда. Ўтган йили кузақда мутахассислар бу борадаги имкониятларни ўрганиб, алоҳида дастур ишлаб чиқишганди. Ана шунга кўра тасарруфдаги ўндан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарида кўшимча цехлар қуришга эришилди.

Шунингдек, кичик корхоналар, микрофирмалар, хонадонларда хусусий цехларни кўпайтириб, касаначиликни ривожлантириш ва меҳнат шартномаси асосида ишни ташкиллаштириш ҳисобига жорий йилнинг ўтган даврида 2500 нафар кишининг доимий иш билан бандлиги таъминланди.

Айни пайтда туман марказидан олисда жойлашган тўртта қишлоқда ҳар бири 50 ўринга

мўлжалланган тикиш-бичиш цехлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёшларни касбга йўналтиришга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Вилоятдаги мутахассислар билан ҳамкорлик асосида туман марказидаги санъат саройи қошида ўқув курслари очилган. Бу ерда ёшлар ўндан ортиқ касб сирларини ўрганишарди.

Муҳими, тадбиркорлик, касаначилик ва кичик корхоналар фаолияти қайта шаклланди туфайли бу жойларда ишлаб чиқарилаётган аҳолибоп маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. Ҳозиргача уларнинг туман иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси 33 фоизга тўғри келаяпти.

Дилдора МУҲАМЕДОВА,
Хоразм вилояти

Иш биланга минг манга

КОЛЛЕЖ ОТАЛИФИДА

Оқолтин туманидаги ижтимоий-иқтисод коллежи жамоаси ёшларга касб-ҳунар сирларини пухта ўргатиш қаторида ижтимоий масалаларни рўёбга чиқаришда вилоятдаги соҳадорлар орасида етакчилардан бири ҳисобланади.

Тасарруфдаги 140 гектар ўқув майдонидан ишлаб топилаётган маблағ илгор ўқитувчи ва аълочи ўқувчиларни моддий рағбатлантиришга, кутубхона фондини кенгайтиришга ҳамда кам таъминланган 26 нафар кишини моддий қўллашга имкон яратмоқда. Даромад ҳисобидан 8 нафар мутахассис республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олдирилди. Шунингдек, 5 нафар нафақадорларнинг тиббий кўрикдан ўтиши таъминланди.

Жамоа аъзолари ён-атрофдаги маҳаллаларни ободонлаштириш ва шу жойда истиқомат қилаётган муҳтож оилаларга кўмаклашишга ҳам имкон топишмоқда. Масалан, Собир Раҳимов номли маҳалла ёшларининг спорт билан шуғулланишига барча шароит яратилган. Улардан 46 нафари миллий кураш, бокс, футбол каби спорт турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашишмоқда. Бундан ташқари, маҳаллага коллеж ҳисобидан замонавий гузар, чойхона ва милиция таянч пункти қуриб берилди.

Ҳамза ЭГАМОВ,
Сирдарё вилояти



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Иртихор

БУ МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ, ҚИШЛОҒИМ, ШАҲРИМ

Балиқчи тумани меҳнат ахли ижтимоий масалаларни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорларини бекаму кўст бажариб келаётганлардан бири. Ҳозиргача тасарруфдаги мавжуд 50 га яқин маҳалла, 10 дан ортиқ қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган аҳолига барча қулайликлар яратиб берилди.

Бутун эътибор ёшларни замон руҳида тарбиялаш, улар қалбига миллий ғоя тамойилларини сингдириш, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳр-оқибат ва соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилмоқда.

Ҳафтанин маълум кунда «Бу менин маҳаллам, қишлоғим, шаҳрим», «Истиқлол имкон берди, биз нима қила олдик?», «Корхонам-кељагим», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Бош Комусимиз — Конституцияни ўрганамиз», «Энг намунали хонадон, маҳалла», «Қишлоғимиз фахри», «Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон!» каби мавзуларда турли соҳадорлар беллашувини ўтказиш аънавага айланган.

Тадбирлар жараёнида одамларнинг эртанги кунга умид ва ишончлари мустақамлиги, келажак пойдеворини яратишда камарбасталиги, иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда яқдиллиги яққол кўзга ташланапти. Айниқса, илмгоҳларда таълим ва тарбия топаётган янги авлоднинг бу борадаги чиқишлари барчани қувонтирапти.

Эътиборлиси шундаки, ушбу тадбирлар йўлга қўйилгандан буён ишлаб чиқариш жамоаларида меҳнат унумдорлиги ва иш сифати аввалгиларга нисбатан бир неча бараварга ортаётганлигини мутахассислар эътироф этишмоқда.

Маҳаммадҷон
МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
Андижон вилояти

Муаммо

— Фалокатга бошловчи бундай бачкана тартибда жойлаштирилган рекламаларнинг кимга кераги бор? — саволимга савол билан юзланди у.

Унинг эътирози ҳақли эканини сўнроқ англадим. Машинамиз сал юрмасдан «Халқлар

пойтахтимизнинг Чилонзор, Яккасарой, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Юнусобод каби туманларнинг энг асосий чорраҳаларида, транспорт ҳаракати ва аҳоли гавжум жойларда, сал эҳтиётсизлик қилинса, ҳаракат хавфсизлиги келиб чиқиши эҳтимоли бўлган жойларда ҳам кузатиш мумкин.

Реклама ва эълонларни жойлаштириш борасида авваллари ҳам оммавий

ахборот воситаларида жуда кўлаб мулоҳазали ҳамда танқидий фикрлар билдирилган эди. Шунга қарамай, мазкур соҳа билан шуғулланувчилар негадир пинак бузмаётганликлари кишини ташвишлантиради. Хўш, аҳвол шу тариха ўз ҳолига ташлаб қўйилаверса, номлари зикр этилган жойларда йўл-транспорт ҳодисаси келиб чиқмаслигига ким кафолат беради?

Шоҳруҳ ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳри

Донолар демишки...

Ўз манглай теридан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Ҳалол ишла, мардларча айшинг сур,
Ишламайин еган,
бил, номард эзур.
Саъдий ШЕРОЗИЙ

Ишни кўриб,
кўплар шимаради энг,
Кўпроқ бажаргани энг эпчили денг.

Ўйласанг ҳаётинг салоҳиятин,
Ўйлагил меҳнатнинг ҳам моҳиятин.
Хисрав ДЕХЛАВИЙ

Реклама ва эълонлар турмуш тарзимизнинг бир бўлагига айланиб қолганига анча бўлди. Ташкилотлар, кичик ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларни қаердан олиш, уларнинг қандай турлари мавжудлиги, ҳатто сифатига кафолат борлигини аниқлашчи ҳожатбарор ёзувлар аҳоли гавжум жойларда осиб қўйилапти. Рекламаларни тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Эҳтиёжманд ва ишбилармонларнинг ўндан самарали фойдаланаётганига гап йўқ. Лекин...
Ҳайдовчи дўстим билан бир жойга бораётгандик. Вақт алламаҳал бўлганига қарамай кўчалар ёруғ, худди кундузгидай. Бироқ у йўлга чиқиб қора кўзойнак тақиб олганди. Аввал ҳайратландим. Сабабини суриштироқчи эдим:
— Чорража тепасидаги электрон рекламага қара, — деб қолди у, тормосни босаркан.
— Зўр ўйлаб топишибди, чиройли экан-а?


ҚОРОНҒУДА

қора кўзойнак таққан ҳайдовчи

дўстлиги» майдонидаги чорражада яна аввалгидай манзарага дуч келдик. Йўллар кесишган жойнинг ўртасида, уч-тўрт метр баландликда электрон тахтада жойлаштирилган турли рангдаги кўзни қамаштирувчи ва йўловчини ҳам, ҳайдовчини ҳам чалғитувчи ёзувлар липиллаб ёниб ўчаётганди. Қора кўзойнак таққан ҳайдовчилар бундан норози бўлиб нималарнидир гудрасалар-да, бироқ унинг сабабини деярли кўпчилик тушунмасди.

Афсуски, бундай манзарани

Хикоя



Дирро шулар

Декабрнинг хомшу ўн биринчи куни ҳам бошланди. Ҳаво ниҳоятда тунд. Атрофини қуршаган, тўлқинсимон чизиқли эслатувчи, этакларидаги тошлар ўпириб олиниб, яраланган улугвор тоғлар, узоқдан қорайиб кўринган кўнгири қирлар ва уларнинг орасида мунгайибгина турган пастаккина пахса кулбалару чор тарафдан оппоқ мрамор тошли девор билан ўралган баланд уйлар ва ҳар ер-ҳар ерда яккам-дуккам учрайдиган қип яланғоч дараклар — барча-барчаси эрталабки сийрак туман оғушида ястаниб ётибди. Бу қишлоқда одат шунақа. Одамлар эрта ётиб, каллаи сахарлаб уйғонади.

Кимдир мол-ҳоли билан овора, яна кимдир ишга шошилмоқда, болалар эса тандирдан ҳозиргина узилган нонга сариёғ суржаб еб, тепаликдаги қиблага қаратиб қурилган мўъжазгина мактабга отлиниш тараддудида. Хуллас, ҳамма ўз йўлида, ҳар бир нарса ўз йўриги билан кечмоқда.

Муродилла одатдагидек мактабга йўл олди. Эғнида ориқлигини яшириб турувчи кенг бичимли пальто, бошидаги қорақул теридан пишиқ қилиб ишланган кўкиш телпак пешанасининг ярмини тўсиб турибди. У ихчамгина қора папкани кўлигига қистирганича, қияликдан бамайлихотир юриб борар экан, мактаб остонасида ўрта бўй, 20 ёшлардаги хушрўйгина йигитга кўзи тушди. Йигит унга дарҳол пешвоз чиқиб, икки букилиб салом берди ва бир нима демоқчидек бўлиб, бир қадам ўзини орқага олди. Муродилла уни эргаштириб кабинет (бу директор кабинети эди)га олиб кирди.

— Келинг, ука. Менда нима дардингиз бор эди?

— Районданман. Мудир юборувди, бир келиб кетсин, — деди.

— Тинчликми, ишқилиб... Мудир бова қалай, яхши юрибдими... нимага чақиртирди экан-а?

— Билмадим... — чайналди йигит. — Бугуноқ етиб келсин, деган эди. Нима қилса... ҳозирок жўнаймиз.

Чўнтагида бир мири бўлмаса ҳам доим кулиб, нимадандир завқланиб юрадиган бу йигитча қўшни Каримовул қишлоғидан бўлиб, яқинда ишга кирган экан. Муродилла суриштириб кўриб, унинг отасини таниди.

У оғринсираб стол тортмаларини кўрар, айрим ҳужжатларни ҳам олиш керак деб ўйлар ва мудир нега айнан уни бугун йўқлаганини тушунолмай, бир нималар деб гўлдирарди.

Боя бинойидек бўлиб кўринган бу йигит, энди қошларини чимириб, гер-

дайганча улугвор бир қиёфага кирди. У Муродиллани мудирнинг хузурига судраб кетгудек бўлиб, қисталанг қила бошлади. Бу пайтда кўнгирик чалиниб дарс бошланган эди. Ниҳоят, улар шошилганча йўлга тушишди. Манзил олис, туман марказигача қирқ дақиқалик йўл. Улар бири кўзғалиши билан ўрнига иккинчиси келиб турадиган «Дамас»лардан бирига чиқиб, унинг юришини кута бошлашди. Орадан икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас етарли одам жамлай олган шофёр машинани учуриб хайдаб кетди. Йўлқирани одатдагидек Муродилла тўлади...

Мудирнинг қабулхонасига кириб боришганида, сочлари елкасига эркин ташланган, хушбичим, афтидан қаримсиққина котиба қиз оёқларини чалиштирган кўйи стол теграсига сунганча турарди. У бирдан сергак тортди-ю, малол келгандек қаддини ростлади. Ва уларни ичкарига таклиф қилиб, домла (улар мудирни шундай аташарди) эрталаб бир келиб, қаёққадир кетганини айтди.

Йигит котиба билан қуюққина сўрашди-да, Муродиллага «сиз шу ерда кута қолинг» деганича чиқиб кетди. Котиба қиз жимгина деразага боқар экан, ахён-ахёнда Муродиллага қараб кўярди. Муродилла ҳам Расул Акбаров деган ёзув осиглиқ эшикка термулганича хаёл суриб ўтирарди. Унинг бошида хаёллар гўлган ўйнардди. Нега чақиртирди экан?... Ҳеч бунақа одам жўнатмасди-ку! Жиддий бир иш чиққан...

Котиба қиз таниса ҳам ўзини билмасликка олиб, ўртадаги сукунатни бузди:

— Сиз, 82-мактаб директоримисиз?

— Ҳа, — мулоимлик билан жавоб

қайтарар экан, директор унга кўз қирини ташлаб кўйди. Яна орага сукут чўқди. Энди Муродилла котибага сездирмай уни кузата бошлади. Чунки унинг дуркун қоматию гапириш оҳанглари унга талабалик дамларини, ўша кезларда севгани Зебони эслатиб юборганди. Шунинг учун ҳам хаёллари бетизгинлашиб, ихтиёрсиз равишда унга тикилиб қарарди, котиба ҳам буни сезиб, гоҳ-гоҳида мулоимгина назар ташлаб кўярди.

Муродилла келаси баҳорда 30 ёшни қарши олади. У бундан 3 йил аввал мактабга раҳбар этиб тайинланиб, туманда энг ёш директор сифатида танилган эди. Унинг отаси ҳаётдан эрта кўз юмган бўлиб, ёлғиз онаси билан яшарди. Онаси дастлаб институтда ўқишига қарши бўлди. Лекин унинг ўз билими билан ўқишга

кирганидан сўнг ноилож кўнди. Онанинг ягона орзуси ўғлини эртароқ уйлаб қўйиш эди. Лекин бу орзу ўғли 30 га кирди ҳамки амалга ошмади. Муродилла онасининг феълени билар, топган қизлари умуман унга ёқмасди.

Онаси Зубайда шаддод, ўз билганидан қолмайдиган аёл эди. У бундан йигирма йиллар илгари бу қишлоқ аёллари учун умуман ёт бўлган одат — катта йўл ёқасида фақат бир кун — яқшанба куни бўладиган бозорга чиқмаслик одатини бузмоқчи бўлиб, у пайтлари ҳаёт бўлган эри билан жанжаллашган эди. Унинг бу гапига кўнгли бўш эри Эшпўлат ака оғирбосиклик билан қисқа қилиб шундай жавоб қилган эди: «Мен ўлсамгина бозорга чиқасан». Ҳақиқатан ҳам бу гап амалга ошди. Эри вафотидан сўнг уни-буни баҳона қилди, қишлоқ аёллари орасидан биринчи бўлиб, ўша бозорга чиқди. Ҳозир-ку, бу бозорда эр-кақдан аёл кўп, чунки ул-бул харид

Шундай шохона шароитда яшаб туриб нима учун нолийсиз?

— Мен 8 йилдан буён фарзандсизман. Айб эримда экан, буни суриштириб билдим.

Муродилла жим қолди. Нима дейишни ҳам, уни қандай юпатишни ҳам билмасди. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач, Зебо хайрлаша туриб, Муродиллага уйига келишини, меҳмон бўлиб кетишини тайинлади. Муродилла унинг ортидан бир зум қараб қолди ва хаёлини жамлаб бозор-ўчар қилишга киришди. Кеч кирди. У туни билан мижжа қоқмади, шифтга тикилганича Зебони эслар, хаёлан у билан сўхбатлашарди. Шу тариқа кунлар ўтди. Уйга қайтадиган вақт ҳам келди. Лекин унинг сира ҳам қишлоққа қайтиси келмасди...

Муродилла орадан бир неча йиллар ўтиб, унинг эри билан ажрашганини эшитди, бу пайтда у нариги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган қизга уйланиб, фарзандли ҳам

бўлганди...

Дарвоқе, Муродилла ҳамон қабулхонада ўтирар, мудирдан эса дарак йўқ эди. Ниҳоят у тоқатсизланиб, коридорга чиқди. Шунда зинадан тез-тез юриб, тепага кўтарилаётган Расул Акбаровга кўзи тушди ва унга яқинлашиб салом берди. Мудир у билан қуюқ сўрашди. Аҳволини, соғлигини, ишларини ўта самимийлик билан бирма-бир суриштирди. Мудирдан ҳеч бундай марҳамат кутмаган Муродилланинг хайронлиги баттар ошди. Мудир залворли эшикни очиб, уни кабинетига таклиф этаркан, мулозамат қилди, яна саломатлигини сўради. Улар ичкарига киришди. Мудир ўзининг тўрдаги креслосига чўкиб ўтирар экан, Муродилланинг пойгакрокдаги стуллардан бирига ўтирмоқчи эканлигини кўриб, — Бериоқ келиб ўтирар, — дея ёнидаги ўтиргичларни кўрсатди. У яқинроқ бориб ўтирди. Мудир ундан яна бир марта ҳол-аҳвол сўради ва бироз жим бўлиб қолгач, жиддий тортиб гап бошлади:

— Озод Самиевни танийсиз-а?... У сиз билан бирга ўқиган экан.

— Ҳа, танийман, қадрдонимиз у билан. Ҳозир обрўли газеталардан бирида ишлайди, унча-мунча танилган журналист.

— Муносабатингиз яхшими ишқилиб? Ошначилигингиз... салом-алик қилиб турасизми?

— Ҳа, бундан 2 ярим ойлар бурун ўғлининг суннат тўйига борганимизда кўришгандик. Шаҳардаги катта ресторанлардан бирида ўтказган эди...

— Сиздан бир илтимос, — унинг гапини бўлди мудир. — Шу... Ошангиз билан гаплашсангиз. Онангни эмгур Исматнинг мактабида бир «ёзғувчи» бор экан, шу бизнинг устимиздан ошангизнинг газетасига арз қипти. Мана, икки кундир-ки, ҳаловатим йўқолган. Кеча сиз ҳақингизда гапириб қолди. Курсдошим бўлади, деди, умуман яхши гаплар айтди. Шунга сизни йўқлатувдим..., ўзингиз бир ўртага тушинг, ошангизнинг оғзини мойлаймиз, ишқилиб, газетага чиқариб юбормаса бўлди. Ҳужжатларни бирма-бир ўрганишдан авзойи чаток кўринади. Ахир биласиз-ку, «хатта тушинг-ўтга тушинг» деган гап бор.

Муродилла унинг таклифини қабул қилди, бугуноқ йўлга чиқиб, имкон қадар уни бу йўлдан қайтароқчилигини билдирди. Шунда мудир раҳмат айтиб, унинг қўлига семизгина конверт тутқазди ва «буни ошангизга бериб қўйинг», дея зўрма-зўрака жилмайиб

қўйди. Муродилла шу заҳоти йўлга отланди. Вақт ғизиллаб ўтиб бормоқда. Қишда кунлар бир тутам, ҳадемай қош қораяди.

Тўғри туман марказидан энгил машинада жўнаган Муродилла шомга яқин шаҳарга етиб келди ва машинани тўғри Озод Самиевнига хайдатди. Ҳар қалай, у уйда экан. Озод унинг қиш қирчилламасида уйига келганини дарров тушунди ва «қўрққан олдин мушт кўтарар» деганидек, унинг туманига бориб, уйига қирмагани учун узор сўради. Муродилла унинг узрини ҳазилга йўйди-да, дарров мақсадга кўчишни маъқул тоғди.

Муродилла дўстининг табиатан одамоҳун, лекин унча-мунча нарсага тик қаровчи эканлигини билган ҳолда, гапни узоқдан бошлади. Иккаласининг дўстлигию мудир унинг раҳбари бўлиш билан бирга ажойиб инсон эканлиги, адолат, ҳақиқат ва шунга ўхшаш тушунчаларнинг ҳаётда борлиги-ю йўқлиги ва ҳоказолар ҳақидаги фалсафага ўхшаш гапларни қалаштира бошлади. Унинг гапларини эшитиб бўлган Озод Самиев қисқагина билди:

— Отилган ўқни қайтариб бўлмайди, — дея жавоб берди. Дўстидан бундай жавобни кутмаган Муродилла нима қилишга хайрон бўлиб қолди ва индамай чўнтагидан «семиз конверт»ни чиқариб, мудир бовадан совға дея унинг олдига қўйди.

Барибир, Муродилла бир иш чиқара олмайди. Тунни Озод Самиевнигида ўтказиб, эрта билан изига қайтди. У пешинларда туман марказига етиб келди ва шалпайганича синиқ кайфият билан мудирнинг хузурига кириб борди. Мудир унинг афт-ангоридан нима бўлганини қисман англаган бўлса-да, секингина «сафар таассуротлари» ҳақида сўради. Муродилла унга бўлиб ўтган гапларни бирма-бир гапириб берар экан, дўстининг қайсарлигию, ҳеч гап ўқтириб бўлмастлигини таъкидларди. Мудир барча гапларни эшитгач, кеча бергани — «семиз конверт»ни Муродилланинг қўлидан олиб индамайгина стол тортмасига ташлаб қўйди ва унга «майли, сиз бораверинг» дея ишора қилди.

Муродилла қисқагина хайр-маъзур қилиб, хонадан чиқди ва жонажон қишлоғига жўнади. Мудир эса, кўзини бир нуқтага тикканича ёлғиз қолди... Муродилла қишлоғига кириб борар экан, таниш йўллар, таниш чехралар, қир-адирлар..., барча нарсалар қандайдир қадрдон, беғубор бўлиб туюлди. Бу ердаги ҳаёт, одамлар турмуши аллақандай бир ёқимли, ажойиб тарзда кечаётгандек эди. Бўлиб ўтган гаплар ва тинимсиз йўл юришлар уни анча толиқтирган бўлса-да, бутунлай сергак, руҳан тетик эди.

Орадан икки кун ўтиб, газетада Озод Самиевнинг мудир ҳақидаги танқидий мақоласи босилди. Унда Расул Акбаровнинг пишиқ ўйлаб амалга оширган қинғир ишлари етарли асослар билан фош этилган эди. Албатта, Муродилла унинг бу қилмишларидан беҳабар эди. Бу мақолани ўқишга эса, Озод Самиев унинг таклифига нима сабабдан кўнмагани, кўпчиликнинг тақдирини йўлида, виждонига қарши бора олмаслигини аналлади. Ҳақиқатан ҳам у ҳалол ва адолатли одам эди, бурч деган нарсанинг масъулиятини яхши тушунарди. Мақолани бошидан охиригача ҳаяжон билан ўқиш мумкин бўлиб, унда мудирнинг И.С. Тургенев асарига қаҳрамонларидан бирига ўхшатилиб, «Басир қирол»га айлангани, қилмишлари маҳорат билан тасвирланган эди. Муродилла уни ўқиб чиқар экан, юрагида мудирга нисбатан ҳам нафрат, ҳам ачинаш ҳиссини туйди ва уни кўз олдига келтирди...

Орадан 15 кунлар ўтиб, мудир ишдан олинди.

Кунлар шу зайл давом этарди, Муродилла бир кун йўқлишига қатнашиш учун туман марказига борган эди, кўчанинг бошида келаётган Расул Акбаровга кўзи тушди. У Муродиллани кўриши биланок, бошқа томонга бурилиб кетди...

Ҳафталик TV дастури

25 сентябр - 1 октябр

Душанба 25

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома».

ёввойи табияти». 23.30-23.40 Тунги наволар.

YOSHLAR

15.55 Дастур очилиши. 16.00 Даар. 16.15 Оймон бўлинг!

TOSHKENT

17.55 Программалар дастури. 18.00 Мультифильм. «Покажонтас».

21.50 «Телекурьер-маркет». 22.10 «Аёл қалби».

SPORT-TV

Внимание телезрителей! В связи с профилактикой телерадиоканал «Sport».

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости. 8.05 «Сестры по крови».

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Советская империя. Высотки».

компания». 1992г. 10.00 ВЕСТИ. 10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

ТВ-3

6.30 Мультисериял «Гарфилд». 97-я серия. 7.00 Победоносный голос.

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

НТВ

5.00 ИНФОРМАЦИОННЫЙ КАНАЛ «СЕГОДНЯ УТРОМ».

12.30 Владимир Ильин, Ирина Феофанова, Татьяна Догилева и Николай Пастухов в фильме «СТРЕЛЕЦ НЕПРИКАЯННЫЙ».

DTV

7.30 Мультифильм. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры».

Сешанба 26

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Абзорот».

11.15 Устозим...

YOSHLAR

11.20 Саюкат. 11.45 Матонат. 12.00 ЯНТИ КУН.

TOSHKENT

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!» Музыкальная информационная программа.

20.15 «Анонс». 20.20 «Эрудит».

SPORT-TV

7.00 «Бодрое утро». 8.00 «Хабарлар» (рус).

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости. 8.05 «Сестры по крови».

«Забуренное лезвие». 1.10 Том Хэнкс в комедии «Изоминка».

ТВ-3

4.00 «Доброе утро, Россия!». 7.45 «Кто Вы, мистер Рид?».

0.30 Художественный фильм «ПРЕДАНИЕ». Канада, 2000.

СТС

7.00 «НОВАЯ ЖАННА Д'АРК». Многосерийный художественный фильм.

10.55 «ДВЕ ПРАВДЫ». Ток-шоу с Татьяной Догилевой.

DTV

7.30 Мультифильм. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование «Как уходили кумиры».



Чоршанба 27

O'ZBEKISTON

5.55 Курстувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Айборот».
8.35 ТВ аниқ.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Муаббат қарин». Телевизор.
9.20 «Олам ва одам» дастури. «Дельфинлар».
10.10 ИВВ хабарлари.
10.25 «Остона тиллодан».
10.45 «Банк ва миқсо».
10.55 «Санигинг арвоқининг».
11.00 «Айборот».
11.10 ТВ аниқ.
11.15 «ТВ шифор».
11.20 «Хазонанинг». Телевизор.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Минг бир масала».
12.20 Улуғли ва мураббийлар кўни олдидан. «Одамлардан бир».
12.40 ТВ аниқ.
12.45 «Йилги кўнгли». Телевизор.
13.50 Ватанларда кўшмакар.
14.00 «Айборот».
14.15 ТВ аниқ.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузи дастури.
15.20 «5050». Ток-шоу.
16.10 2006 «Хабарлар ва шифорлар йили». «Саломатлик» дастури.
16.35 ТВ аниқ.

«Болалар сайраси»:
16.40 «Эртанлар - яшилмак етлар».
17.00 «Айборот».
17.10 ТВ аниқ.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эринг икки ойидан».
17.40 «Ташкил ва мураббийлар кўни олдидан».
18.00 «Бизнинг клубимиз».
18.10 ТВ аниқ.
18.15 «Минг бир ривож».
18.20 «Рамзон тўра».
18.40 Олтин мерос.
18.50 «Лаф».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Айборот» (рус тилида)
20.00 ТВ аниқ.
20.05 «ТВ шифор».
20.10 «Хазонанинг». Телевизор.
21.00 «Айборот».
21.35 ТВ аниқ.
21.40 «Янги оқинлар». Е. Рақобов.
22.00 «Хотинлар ноёни». Телевизор премьераси.
22.55 «Қўшимча муаббат» (SMS. Оваз Берши)
23.05 «Олам ва одам» дастури. «Анониминг ёввойи табиати».
23.55-24.00 Тўғни наволар.

YOSHLAR

5.55 Дастур оқиниш.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Эртан» Сервал.
8.40 Аниқ.
8.45 Минг бир чўпак. «Насриддиннинг саргушашлар».
10.00 Дар.
10.15 «Битон асарини». Сервал.
11.00 «Ватанлар» дастури.

12.00 ЯНГИ КҮН.
13.00 Дар.
13.15 Кини-SMS.
13.20 CINEMANIA.
13.50 Талаба талаба дўст.
14.35 Устозим...
14.40 Дар мазуси.
14.55 Симон Булин!
15.00 «Муаббат қарини». Сервал.
15.50 Ватан мади.
16.00 Дар.
16.15 Симон Булин!
16.20 Автопарул.
16.40 Тараққуёт сари. 1-қисм.
17.00 Дарнинг боласи.
17.10 Ибралли саргушашлар.
17.20 Болалар шайриги.
17.30 Болалар табасуми.
17.35 «Муроббат қарини». Телевизор.
18.20 Диррабо наво.
18.30 Каталог.
18.40 Олов билан юзланган.
18.55 Устозим...
19.00 Дар.
19.30 Эълонлар.
19.40 «Саргитиш». Сервал.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Ватан-SMS.
20.30 «УзДЭВ» аутонинг 10 йиллиги. «Истиқлол мезгали».
21.00 Эълонлар.
21.05 Симон Булин!
21.10 «Эртан». Сервал.
22.00 Дар.
22.00 Мафунингман!
22.45 Жаҳон киноси. «Орау дракти».
00.20 - 00.25 Ораулар бағати.

TOSHKENT

7.25 Программа передач.
7.30 «Салом Тошкент» Музыкальная информационная программа.
8.30 «Аниқ».
8.35 «Гавдулу». Телевизор.
9.15 «Телекурер-маркет».
9.30 «Атлантикнинг ёввойи табиати». Хужжатли теле-сервал. 2-қисм.
10.20 «Аниқ».
10.30 «Аниқ».
10.35 «Репортаж».
10.45 Музыка SMS.
11.05 «Будите счастливы».
11.25 «Деревце и бесстрашны». Телевизор.
11.55 «Аниқ».
12.00 «Эрдул».
12.15-14.25 Кини. «Никогда не говори никогда». 1-2 серия.
17.55 Программа передач.
18.00 Мультифильм. «Поконнас».
18.10 «Телекурер-маркет».
18.30 Информационная программа «Пойтахт».
18.45 «Аниқ».
18.50 «Гавдулу». Телевизор.
19.30 Музыка SMS.
19.50 «Муаббат қарини».
20.00 Информационная программа «Пойтахт». /рус/

YOSHLAR

5.55 Дастур оқиниш.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Эртан» Сервал.
8.40 Аниқ.
8.45 Минг бир чўпак. «Насриддиннинг саргушашлар».
10.00 Дар.
10.15 «Битон асарини». Сервал.
11.00 «Ватанлар» дастури.

20.15 «Аниқ».
20.20 «Эрдул».
20.35 «Деревце и бесстрашны». Телевизор.
21.05 «Интервью».
21.15 «Жизба».
21.30 Информационная программа «Пойтахт».
21.45 «Аниқ».
21.50 «Телекурер-маркет».
22.10 «Самое смешное видео».
22.30 Информационная программа «Пойтахт».
22.45 «Аниқ».
22.50 Кини. «Элвис и я». 1-2-серии.
1.30-1.35 «Спокойной ночи, мой город»

SPORT-TV

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Сестры по крови». Многосерийный фильм
9.00 «Узкий мост». Многосерийный фильм
10.10 «Малахов»
11.00 Новости
11.30 «Логика. Без комплексов»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Вне закона. «Профсоюз адвокатов»
14.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаговым
18.00 «Пять минут до метро». Многосерийный фильм
18.55 Премьера. «Сестры по крови». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 «Узкий мост». Многосерийный фильм
21.25 Премьера. «Винокур и Лещенко. История одной дружбы». Документальный фильм
22.30 Ночные новости
22.45 Сильвестр Сталлоне в фильме «Дневной свет»
0.35 Комедия «Медведкины»
2.00 Время
2.30 Комедия «Медведкины». Продолжение
2.40 Сервал. «Дефективный детектив»

ПЕРВЫЙ

4.00 «Доброе утро, Россия».
7.45 «Отряд космонавтов».
8.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
9.00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
10.50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11.50 «Честная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Монаховым и Лией Крамер.
12.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кухня и партнер».
15.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
16.40 «Обреченная звезда». Телевизор.
17.40 «Волны». Телевизор.
18.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
20.05 «Спокойной ночи, малыши».
— Бир кун раҳматли Ёмғир бобо ҳовлиқиб келди. «Шерзоджон ёрдам қилмасангиз бўлмайди. Йўл ёқасидаги дарахтлар қуриб бораёпти» деди. «Прокуратура Сизга «Шошилич тез ёрдамми» дедим. «Сиздан бошқа кимга айтаман?» деди хафа бўлиб. «Нима қилиш керак?», — дедим. «Билмадим. Остидан труба ўтган, труба устидан ҳам бетон ётқизилган. Унинг устига тупроқ тўкилиб, сўнг дарахт ўтқазилган. Томири тошга теккан, иложи йўқ, қуриб қолади», — дейди йиғлагудек бўлиб. Мен унга раҳим келганидан, қолаверса, дарахтларга ачинганимдан қарағайлар остига нури тўқдирдим. Тўқдираман, одамлар ҳовлисига ташиб кетади. Ходимларини қоровул қилиб қўйдирдим. Ўзим устида ўтириб суғуртирдим. Хуллас, қарағайларни сақлаб қолиш учун Ёмғир бобо билан қилмаган ишимиз қолмади. Сағрайиб қурий бошлаган сосналар бир-икки ой ичида ям-яшил бўлди қолди. Кеча қарасам, ута соснани кесиб кетишибди. «Қоровуллингини ҳам қилайми, ифлос», — деб уришдим. Шу одам дунёдан ўтди-ю, кунимиз лўтти-бозларга қолди. Ким кесганлигидан хабари бор, айтмайди. 173 ва 202 билан устидан иш кўзгатаман. Бундайларни ярим белидан аралаш керак.

— Ҳокимият нима қилади қарамай?

— Кеча ҳокимимиз Фазлидин акани ҳам жеркиб юборибман. Кейин ўзимга ҳам ноқулай бўлди. «Майли, сизга яшил светофор», деб қулади. Бошқасини қўйинг, жиноятни бир бало қилайлик.

Қаерга бориш керак? Нима иш қилиш керак? Кимни сўроқ қилиш керак?

(Давоми бор).



Фрош этилади

бўлиб қолган, хотини ухламай кутиб турарди.

— Топдингизларми?

— Қаёқда дейсан, осмонга чиқиб кетганми, ерга кириб кетганми...

— Топилиб қолар. Бирор нима ейсизми?

— Йўқ.

Кийимини нари-бери ечиб, ўзини диванга отди. Тошдек қотди. Хотини пайпоқларни ечиб олди, ёстигини тўғрилаб қўйди, сўнг ачиниб бир зум қараб турди-да, болалари ёнига кириб кетди.

Бир пайт чўчиб уйғонди. Телефон бўларди, бўларди...

Гўшакни кўтарди. Мудроқ овоз билан жавоб берди.

— Ҳа, нима гап?

— Ўртоқ бошлиқ. Отабозори кишлоғида бир аёлни ўлдириб кетишибди.

— Терговчини топинглар, машинани юбортиринг. Ҳозир чиқаман.

«Нима гап» деб ҳам сўрамай хотини кийимларини тайёрлади, кишки туфлисини яхшилаб артиб, мойлаб берди. Девордаги соат ўнта кам тўртни кўрсатарди.

— Тўйга кетгандик. Келсак, онамиз ўлиб ётибдилар. Вой, онажон-ей!

Икки опа-сингил бири қўйиб, бири сочини юлиб йиғларди.

Аксига олиб, электр чироклари ўчиб қолган. Фонар, шам ёқиб, ҳодиса жойини кўздан кечирешяпти.

Уй ичида бир аёл қонга беланиб ётибди, юзи пачақланган, калла суяги ичига ботиб кетган.

Прокурор ёрдамчиси ва мавзе нозира унинг олдига югуриб келишди ва ҳолат юзасидан ах-

қандай ухлайсизлар? Ўша жойда ухлайсизлар.

— Бошлиқ, тонг отай деб қоляпти, нима қиламиз олиб бориб, онасидан ажралган бечора қизларни.

— Бошимни қотирма, олиб бор!

Нозирга кўзини қисди.

— Қамаб қўй!

Мавзе нозира қизларни олиб кетди.

«Аёлнинг эргашиб келган қизи, чолдан бўлган бир ўғли бор. Ким бўлса ҳам нима биландир уриб ўлдирган. Эҳтимол, ўзи уксус ичиб ўлган деб ўйласинлар деб, оғзига уксус қуйган. Қаршилиқ кўрсатган бўлса керак, сўнг бошқа нарса билан урган. Қотил бир киши бўлмаса керак. Нима билан ўлдирилган? Ким ўлдирган?»

Мурда суд-тиббийет экспертизасига жўнатилди.

Эрталаб мортга боришса, мурданинг юзлари, бўйинлари кўнчиб чиққан.

Эр сўроқ қилинди. Қизлар — ўғай. Оталарининг мол-мулкани қизганишиб, оналарини ёмон кўриб қолишган. Буни ота ҳам сезган.

Қизларни прокурор сўроқ қилди. Аввал бошқа нарсалар ҳақида гурунглашди. Ҳазиллашди. Қулишди.

Ишни опадан бошлади. Прокурор сўроқ жараёнида у дам-бадам кўлини энги билан ёпаётганлигини сезиб қолди.

— Вой, нима қиялсиз?

Қиз қўлини тортиб олди. Бармоқларини қўйлагининг энги ичига яширди. Бармоқлари, билаклари у ер-бу ерларида қизарган, шишинқираган жойлар бор эди.

Прокурор жиддий сўради: — Тўғриси айтсангиз, ўзин-

балоси ёмон экан. Лўмбиллаб юрган аёл чўлдек озиб кетди. Онаси ўлиб қолганда, момосиникидан чиқаришди, харажатни ҳам тоғалари кўтаришди.

Ота эса бор мулкани ичи қуриб ҳозирданоқ ёш хотин туғиб берган ўғлига расмийлаштираяпти. Яшаб турган уйларини ҳам эргашма қиз номига ўтказаяпти. Эски молхоналардан чиққан трубаларни сотдириб, пулини ўғай она ўзига олди. Ҳамма нарсага эгалик қилмоқчи жодугар. Ўғай она қизларнинг кўзига ёсуман кампирдек хунук кўриниб кетди. Аввал ҳам бир неча бор ўлдирмоқчи бўлишди, оталари сезиб қолди.

Темир йўлда тўкилган олтингургурдан олиб келишиб, овқатига қўшиб беришди, ўлмади. Кейин яширинча тайёргарлик кўришди. Юзларига ниқоб тайёрлашди, қўлларига қўлқоп тикишди. Худди ажнабий кинолардаги каби.

Уша кун оталарини тўйга жўнатишди. Ўзлари ҳам ясан-тусан бўлишиб, тўйга жўнаган бўлишди. Дарвозадан чиқилди. Секин молхона деворидан ошиб, ҳовлига қайтиб киришди. Янги либосларини ечишиб, эгниларига эски кўйлак, қўлларига қўлқопларини кийиб олишди, юзларига аёллар қора пайпоғидан ниқоб тортишди. Сирка солинган шиша идиш оғзини очишди. Секин сандалли уйга киришди. Ўғай она ёнида ўғилчаси билан иссиққина кўрпа остида пишиллаб ухлаб ётишарди. Опаси шишаниннинг оғзини ўғай онанинг оғзига тикди. У уйғониб кетди. Қўли билан шишани итарди, оғзи тўла сиркани туфлаб ташлади. Сирка юзи, қулоғи, бўйнига тўкилди.

Муҳокама учун мавзу

Яқинда ўзим ишлаган нашрда узоқ вақтдан буён мусахҳиҳ вазифасида ишлаб юрган танишим кўнгилочар газеталардан бирига бўш муҳаррир этиб тайинланганини эшитиб қолдим. Йўл-йўлакай дўстимни табриклар кўймоқчи бўлиб, тўғри унинг ҳузурига кирдим. Анчагина тиллари бурро, қадам олишлари шахдам бўлиб қолибди. У билан ҳали ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасимданок: «Бу дунёда ҳақиқат бор экан, мана шундай эл оғзига тушган газетага раҳбар этиб кўйишди», деди у аввалги ишхонаси раҳбарларидан бироз гина қилиб.

— Ҳа, энди сизга нисбатан бироз адолатсизлик бўлди. Улар қадрингизга етишмаса, ҳар ҳолда энди жойингизни топибсиз-ку, — дедим бироз кўнглини кўтариб.

Шу пайт унинг ҳаёлига бирон-бир фикр келиб қолдими ё менга ўзининг раҳбар эканлигини кўрсатиб кўймоқчи бўлдими, ҳар ҳолда котибани ҳузурига чорлаб, «фалончи мухбир тезлик билан кабинетимга кирсин», деди фармонбардорлик қилиб. Бир оздан сўнг ҳалиги мухбир юзларида ҳадик, хавотир аралаш унинг ҳузурига пайдо бўлди.

— Сўраган экансиз, хўжайин.

— Эй, сен қанақа дунё беҳабар мухбирсан? — деди бошлиқ юзига ясама ваҳоят тусини бериб. — «Нормально» ишлашинг учун хонанга кондиционер, телефон, факс, компьютер, интернет, веб-сайтлари билан ўрнатиб берган бўлсам. Отнинг калласидек маош, гонарарни кўртдек санаб олаётган бўлсанг. Сенга ўзи нима етишмайди яна?

Ходим бошлиқнинг бундай кутилмаган ҳужумидан довриаб қолди.

— Сиз айтган барча топшириқларни тайёрлаб кўйдим.

— Шу билан бўлди, қутилдим демокчимсан?

— Агар биронта кўшимча топшириқингиз бўлса, айт-веринг.

— Ҳўш, унда ҳалиги «популярний» кўшиқчи Зулхумор Раҳматова тўғрисида шу сонга қанақа материал бор?

— Ҳозирча йўқ эди, қидирамиз, — деди у айбдорона.

— Билмасанг, билиб кўй. Яқинда у эридан ажрашибди. Бу хабарни бошқа газеталар илиб кетмасидан, хонандани ер остидан бўлса ҳам топ. Веб-сайтини қидир. Шу сонга зўр шов-шувли мақола бўлсин. Акс ҳолда нима бўлишини биласан-а?

Ходим тасдиқ маъносида бош ирғаб хонани тарк этди.

Бироз ноқулай аҳволга тушганимга қарамасдан: «Биродар, шу хонанданинг эридан ажрашгани тўғрисидаги материални чоп этиш шунчалик зарур деб ўйлайсизми?», дедим.

— Эй, ака, ҳалиям шу эски одатингиз қолмабди. Ахир ҳаёт, замон ўзгарапти. Энди одамларга гўзанинг қачон гуллаганию, пахтанинг қачон очилганлиги тўғрисидаги хабар эмас, кўпроқ миш-мишлар керак, — дея у истехзоли

оҳангда менга ўз қарашларини тушунтира кетди...

Рости, унга бошқа гап уқтириб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Бошлиқ мансабини эндигина эгаллаган танишимнинг хонасини тарк этарканман, ҳар хил тоифадаги ва турли даражадаги хонандаларнинг шахсий ҳаётини матбуотга олиб чиқиш, уни ошқор қилиш «касаллиги» журналистларимизга қаердан юкди экан, деган адоқсиз ўйлар гирдобиди қол-

ахборот воситаси фаолият кўрсатади. Шундан 676 таси газета нашрлари бўлиб, уларнинг қарийб 180 тасини тижорат йўналишидаги кўнгилочар, реклама, кроссворд, сканворд газеталари ташкил этади. Мазкур нашрларда эса хонандаларнинг суратлари босилмаган газетани деярли учратмайсиз. Аслида олиб қараганда, хонанда ҳам сизу бизга ўхшаган маълум бир касб эгаси. Масаланинг яна бир

Кизиғи, суҳбат асносида хонанда шахсий ҳаётимга тегишли саволлар берманг, дейишига қарамай, мухбир жаноблари атайлаб суҳбатни айнан ана шу мавзуга қайта-қайта бураверади. Гўёки унга бу «бетакрор гўзал»нинг шахсий ҳаёти ниҳоятда қизиқдек. Тавба, дейсан киши. Мана шундай миш-мишларни аслида ким урчи-таяпти? Шунга ўхшаш мухбирчаларми ёки эртадан то кечгача дала бошидан бери келмайдиган деҳқонларми? Ёки шундоғам бошида минг бир муаммоси бўлган тижоратчиларми? Нима, одамларнинг Шаҳзода ёки бошқа хонанданинг шахсий ҳаётига оид миш-мишлардан бошқа иши, ташвиши йўқми? Унда мухбир бу миш-мишларни қаердан эшитди экан? Тушунарсиз ва жудаям мантиққа тўғри келмайдиган гаплар. Бу ҳам ўтаверсин. Андижон вилоятида нашр этиладиган «Мухлис» газетасининг 19-сонидидаги «Шаҳзод» гуруҳи солишти Рашид Ҳолиқов

балки муштарийларнинг ҳам нафсониятига тегмай қолмайди.

Яна «Дилкаш» газетасининг 24-сонига қайтайлик. Унда Обид Асомовнинг дала ҳовлисида чўмилаётган тасвири акс эттирилиб, бассаён бошқа санъаткорнинг бассейнидан катталиги тўғрисида суратли хабар берилибди. Хонанда Озодбекнинг фарзандли бўлганлиги ва айна пайтда ном қўйиш билан оворалиги таъкидланган. Бошқа бир газетани эса Илҳом Фармоновнинг янги дала ҳовлисида қандай қилиб туғилган кунини нишонлагани баён этилган. Бечора Обид Асомов ўзининг веб-сайтини очганига минг марта пушаймон бўлган бўлса керак. Негаки, у тўғрисида хабар бермаган кўнгилочар газета қолмади ҳисоб.

Эҳтимол, бу ҳам хонандаларни элга танитишнинг бир усулидир? Ишқилиб, нима бўлганда ҳам республикамизда чоп этиладиган «Ёғду», «Бегойим», «Экспресс инфо», «Замон плюс», «Ибрат», «7x7», «Ҳайрат», «Даракчи», «Тасвир», «Ҳамроҳ» сингари кўплаб газеталар бу борада «пешқаддам»лик учун жон олиб, жон бериб курашишмоқда. Тўғри, бугунги рақобатчилик шароитида ҳар бир



Хонандалар нега «сарик матбуот»нинг эрмагига айланишмоқда?

ёхуд кўнгилочар газеталар фаолиятига бир назар

дим.

Бу «вирус» Фарбдан кириб келдими ёки мамлакатимизда илк бор «сарик матбуот» пайдо бўлгандан сўнг урфга айландими? Умуман, «машҳур» хонандаю актёрлар, қизиқчию масхарабозларнинг бир оғиз «интервью»сига маҳтал бўлиб, уларнинг ортидан соядек эргашиб юриш журналистлик касби, одоҳлоқига тўғри келармикин? Ёки «сарик матбуот» учун бунинг аҳамияти йўқми? Қолаверса, эндигина кўз очган хонанданинг қанақа рэп, клип устида ишлаётганлиги, қандай қилиб турмушдан ажрашгани, уйланиши, туғилган кунини нишонлагани, дала ҳовлисида кўчиб ўтганлиги тўғрисидаги хабарчалар кенг жамоатчиликка керакми? Халқимиз, жамиятимиз учун заррача аҳамияти бўлмаган шундай мазмундаги хабарларни газета саҳифасига олиб чиқишга қандай эҳтиёж бор?

Аслида-ку, хонанда ҳам сизу бизга ўхшаган одам. Ўзга сайёрадан тушиб қолган жойи йўқ. Турмушга чиқса чиқибди, бассейн қурса қурибди, веб-сайтини очса очибди. Нима, энди ҳар биримизнинг ҳаётимизда бўлиб турадиган ана шундай оддий воқеаларни гўёки жаҳоншумул ахборот сифатида 26 миллионлик аҳолига овоза қилиш керакми? Шунга қарамай, ўнлаб газеталарнинг асосий саҳифалари хонандаларнинг суратлари, улар тўғрисидаги турли хил хабар ва интервьюлар билан тўлдириладиганлиги кишини ўйга толдиради, мулоҳазага ундайди.

Бугунги кунда республикамизда турли хил йўналишдаги 876 та оммавий

ўйлантирадиган жиҳати, нега биз бошқа касб эгаларини эмас, айнан кўшиқчиларни гўёки халқ қаҳрамонларидек оммавий ахборот воситалари орқали зўр бериб тарғибот-ташвиқот этишга ҳаракат қилаёпмиз. Келинг, яхшиси, ортиқча хис-ҳаяжонларга берилмайлик-да, республикамизда нашр этиладиган айрим кўнгилочар газеталар таҳламлирига кўз югуртириб кўрайлик.

Наманган шаҳрида чоп этиладиган «Дилкаш» газетасининг шу йилдаги 27-сонидида эълон қилинган «Шахсий ҳаётимга аралашманг» сарлавҳали мақола-суҳбатга эътибор қаратайлик.

— «Латофатли, мафтункор, жозибали, хушчақчақ, самимий... Сўнги пайтларда энг катта миш-мишлар қироличасига айланган. Шоу-бизнесда сўнги икки йил мобайнида энг диққат марказида бўлаётган. Тўғри, топдингиз. Шаҳзодадан бошқа яна ким бўлиши мумкин? (обқоч-е).

Саволларни айтмайсизми? — Сал очкироқ кийиниб қўймайсизми?

— ... Агар бугунги куннинг энг катта шов-шувларини инобатга олсак, сизнинг муҳаббат романингиз барча учун қизиқ.

— Турмушга чиққанингиз ростми?

билан уюштирилган суҳбат матнига эътибор беринг. Нима эмиш, Р.Ҳолиқов ойига 30 та ашулабоп шеър ёзarkan. Каминанинг хабари борки, шоирлар одатда бир «тўлғоғи тутса» битта ашулани бир соат ёки бир кунда ҳам яратиши мумкин. Айрим ҳолларда бунинг учун ҳафталаб, керак бўлса ойлаб вақт сарфлашади. Аммо мана-ман деган шоирларнинг ойига 30 та, йилига 360 тадан зиёд ашула ва шеър яратганини эшитмаганмиз. Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу баландпарвоз гаплар хонанданинг ҳазил-кинояси ёки мухбирнинг лофими, тушуниш қийин.

Ачинарлиси, бундай мисолларни бошқа қатор «кўнгилочар», тўғрироғи асаббоз газеталар саҳифаларида ҳам кузатиш мумкин. Эндигина санъат соҳасига кириб келган ёш хонандалар билан суҳбатларда «ўзим куйлайман, ўзим шеър ёзаман, ўзим куй басталайман» деган жумлаларга бот-бот дуч келишингиз етмаганидек, улар тўғрисидаги материалларнинг аксарияти «машҳурлар», «юлдузлар» рунки остида берилишини ҳечам ҳазм қилиб бўлмайди. Албатта, буларнинг барчаси нафақат неча йиллардан буён санъат соҳасида меҳнат қилиб, элнинг эътиборини қозониб келаётган кекса санъаткорларимизнинг,

нашр бозордан ўзига муносиб ўрин эгаллаши зарур. Аммо бунинг бошқа кўплаб йўллари ҳам мавжуд-ку. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўришнинг мавриди келмадимикин? Ахир салкам ўн йилдан буён такрорланадиган бир хил мавзу, яъни, хонандалар клипи, жиноятчилик олами, сохта севги-хиёнатга оид чучмал материаллар ўқувчиларнинг меъдасига тегиб кетмадимикин? Биз хонандаларнинг газеталар саҳифаларига тез-тез чиқишига қарши эмасмиз. Агар мақолада хонанданинг молмулки, қанақа тақинчоқ таққани, неча либос билан саҳнада кўриниш берганликларини эмас, балки бошқаларга ибрат бўладиган таланти, инсонийлик хислатлари ўз аксини топган бўлса, ўйлаймизки, бунга ҳеч қандай эътирозлар бўлмайди. Акс ҳолда, ўсиб келаётган авлод хонандаларнинг талантига эмас, уларнинг шахсий ҳаётига тақлид қилиб қоладиган бўлиши ҳеч гап эмас. Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, газета ижтимоий, иқтисодий ёки кўнгилочар бўлишидан қатъи назар, у авваламбор уч-тўрт кишининг моддий манфаатдорлигига эмас, балки умумхалқ маънавияти ва қадрияти учун хизмат қилиши даркор.

Баҳодир ТУРСУНОВ

Табиат ва биз
ЧИНОР СОЯСИДА
ДАМ ОЛГАНМИСИЗ?

«Агар чанг ва губор бўлмаганда одам минг йил яшарди», деган эди Абу Али ибн Сино.

Шу боис инсон зоти ҳамиша сўлим ва ҳушманзара масканларга ошиқади. Ҳовлисини кўкаламзорлаштириб, жаннатдек яшнатиб қўйган хонадонлар қатори, томорқасини чўллатиб қўяётганлар ҳам, афсуски, тез-тез учраб туради. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, бир гектар теракзор 340 килограмм чангни ютаркан. Бир туп чинорнинг салқини 10 та совуттич қувватига тенг. Ёки бир туп толнинг соясида дам олиш киши кайфиятига 10 кун рўшнолик бахш этаркан.

Кейинги йилларда мамлакатимизда табиатга муносабат яхшиланди. Отабоболаримиздан мерос қадимий анъаналаримиз тикланди, ёшлар қалбида она-заминга, сувга, атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат уйғотиш борасида эзгу ишлар амалга оширилди. Йирик sanoat марказлари атрофида «Яшил ўрмонлар» барпо этилди. Ҳар йил баҳорда «Экология ва саломатлик» шиори остида ҳашарлар уюштирилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилмоқда. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга, мавжуд табиат бойликлари, энергия манбалари, ноёб ўсимлик дунёси, тоза ичимлик суви захираларини асраб-авайлашда кўл келмоқда. Аммо шунга қарамай, ҳамон атроф-муҳитга муносабат, сувдан оқилана фойдаланишда салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Кўпчилигимиз беҳудага исроф бўлаётган сув, қаровсизликдан қуриб қолаётган дов-дарахтлар, ифлосланаётган ариқ-зовурлар олдидан эътиборсиз ўтиб кетаверамиз. Ҳолбуки, бунинг оқибатида табиат озорланмоқда, шаҳару қишлоқларимиз ифлосланмоқда.

Табиат онадек меҳрибон, онадек сазий бўлиши билан бирга, аёвсиз қасоскордир. У ўзига қилинган ҳар бир эътиборсизлик учун қасос олади.

Биз бугун буюк келажак қураётган юрт фуқаролари ана шу ҳақиқатни ёдда тутишимиз зарур. Бунинг учун аввало табиатнинг буюк муҳаббатига муносиб меҳр-саховат кўрсатайлик. Бугунги экологик мувозанатни сақлаб қолиш ва яхшилаш учун, қурилаётган sanoat корхоналарининг экологик жиҳатдан тоза ишлашини таъминлайлик, одамлар қалбида, айниқса, ёшларда табиатга, атроф-муҳитга чексиз меҳр уйғотайлик.
А.НАБИЕВА

Фаолиятга назар

Ҳар қандай жамиятда бўлгани каби эзгу мақсадлар йўлига ҳақ бўлиш ниятидаги ҳаракатлар бизда ҳам кузатилади, бу каби ишларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида бир неча ташкилотлар фаолият олиб боришмоқда. Утказилаётган текширувлар натижасида бир қатор қонун бузилишларининг олди олинмоқда. Жумладан, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК Департаментининг Андижон вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари 2006 йилнинг саккиз ойи давомида иқтисодий, солиқ ва валютага оид қонунлар ва ҳукумат қарорлари талабларини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий ривожига путур етказувчи ҳар қандай иллатларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тезкор таҳлилий тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ, валюта ва иқтисодий эҳтисот оид 489 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, улар устидан жиноий ва маъмурий ишлар кўзгатирилган. Утказилган текширишлар натижасида давлат бюджетига 2 млрд. 975 млн. 328 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 1 млрд. 224 млн. 510 минг сўми ундирилди.

Банкдан ташқари ноқонуний нақд пул айланмасини аниқлашга қаратилган тадбирларда 8 млрд. 317 млн.

Адабий жанр	Юртни ардоқлаш	Вазн ул-чови	Азиз маскан	Иш ҳайвони	Азадий қушиқ
Сунъий тола	Қозоғистон шахри	Само жисми	Қим-мат-баҳо маъдан		Экин май-дони
Муслиқ овоз тури	Хуш-буи	Чар-ҳарёр	Алан-га	Қудратлидир кимки бўлса билимдон, Билимдон кексалар дили навқирон. Абулқосим Фирдавсий	
Нефть маҳсули		Ҳол... ..оч			
Англия шахри		Қас-соб			Радио дастур
Ҳарбий денгизчи		Ривоят		Бўй	Аччиқ ва ширин
Кучли совуқ	Тутти тури	Вилоят тумани		Инкор	Ҳаё
		Нон тури	Мерганлик жойи	Қадимги Эрон шоҳи	
Мул-жал		Ёзув қои-даси	Сув иули	Миллий либос	
	Фасл даст-лабхи	Савдо миҷо-зи			
Ҳарбий қудрат	Кўнгишларни сурури илмдандир, Кўрар кўзларни нури илмдандир. Зокиржон Фурқат		Афсонавий фазокор	Иш тарзи	Қаш-раш-ма
			Дори...		Футбол жамоа
Тариқат асосчиси ватандошимиз	Чин, тугри	Тес-қари	Хаша-мат, доваруқ	«Оқсарой» маскани	Қайғу
				Қои қолдиғи	Чои қолдиғи
			Қатта буюк	Дарё	Кўёш (китобий)
					Шифо гуёғи

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

Газетанинг 16 сентябр сонидан берилган сканворднинг жавоблари:
Энига: Бурж. Сайёҳлик. Осмон. Пулемёт. «Наво». Март. Ҳамма. Қозимий. Олой. Ях. Арк. Шоир. Раж. Аммо. Ура. Вето. Зико. Матрос. Исковуч. Милк. Оила. Паррак. Орол. Усмонов. Корсика. Те. Ван. Дакки. Реал. Тире. Саҳна. Уш. Мусаффо. Як.
Бўйига: Йилнома. Ҳимолай. Истак. Намозшомгул. Бот. Умр. Аср. Архар. Ёв. Сапёр. Жомий. Ракета. Ом. Бурак. Омон. Словакия. Ақробат. Ит. Ҳошимов. Жазоир. Акбар. Плутон. Холислик. Ақрил. Исиш. Меҳр. Ўт. Лорд. Секанс. Алиф.

сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди. Тегишли тартибда рўйхатдан ўтмай яширин фаолият кўрсатиб келаётган «тадбиркор»лар аниқланди. Мансабдор шахслар томонидан солиққа оид қонунчиликка амал қилмаслик ва бошқа ҳолатлар юзасидан 8 та жиноят иши кўзгатирилган. Жумладан, Андижон шаҳар «Савдо гигант» ХК раҳбари А.Маликов фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида «Ипотэкабанк» Истиқлол

филиали мутахассиси А.Абдурахмоновга пора бериб, сохта тўлов топшириқномасини тайёрлатиб, савдо қоидасини бузганлиги сабабли унга нисбатан жиноят иши кўзгатирилган. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва «Молия-

фибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиб, ОАВда чиқишлар уюштирилмоқда. Олиб борилган тадбирлар натижасида бир миллиард сўмдан ошиқроқ маблағни ихтиёрий равишда давлат бюджетига тўланишига эришилди. Энг муҳими, аҳоли ўртасида бу каби жиноятларни чуқурроқ тушунтиришга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳара-

Ҳаракатлар самараси

катлар ўз самарасини бермоқда.

Р. ЖАББОРОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК Департаментининг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи,
Д. РАҲМОНОВА

Мунажжим башорати

(25 сентябрдан 1 октябргача)

ҚҮЙ. Душанба кун иждодий фаолиятингиз суст бўлади. Тижорат билан шуғулланувчиларнинг иши қинғилдагидек кечади. Чоршанбада жамоангиздаги муносабатларни маромига келтиринг.

БУЗОҚ. Ҳафта аввалида сизга омад кулиб боқади. Бироқ бундан ақл-хушингизни йўқотманг. Уй-жой олиш масаласида оиладаги можароларни аралаштирманг. Шанба кундаги режаларингиз ўзгариб кетади.

ЭГИЗАКЛАР. Ушбу ҳафта воқеаларга бой бўлади. Эски танишларингиз билан учрашиб, фойдали шартнома тузасиз. Чоршанба кун ишдаги тўсиқларни енгиб ўтасиз. Дам олиш кун барча муаммолар ечими ҳақида қайғурасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Душанба кун ишда омад кутманг. Яхшиси ҳеч қандай жиддий ишга қўл урманг. Чоршанба иждодий фаолиятдагилар учун яхши келади. Агар ишингизни ўзгартириш ниятида бўлсангиз, янги лойиҳанингизни тақдим қилинг, у сизнинг фойдангизга ҳал бўлади.

АРСЛОН. Ушбу ҳафта сиз учун омадли кунлар ҳисобланади. Режалаштирган учрашувлардан анча фойда кўрасиз. Чоршанбада қарздорлар қарзини беради. Дам олиш кун зийрак бўлинг. Ақс ҳолда моддий зарар кўрасиз.

ПАРИЗОД. Ҳафтанинг бошида нохуш хабар эшитасиз. Бундан барча режаларингиз барбод бўлиши мумкин. Чоршанбада кўлингиздан келмаган ишга қўл урманг, обрўйингизга путур етказасиз. Ҳафтанинг охирида мириқиб дам олинг.

ТАРОЗИ. Душанбада ишда ҳеч қандай хатоликка йўл қўйманг. Можаролардан йироқда юринг. Сешанба ва жума сиз учун омадли кун ҳисобланади. Дам олиш кун савдо билан шуғулланувчилар фойдали шартнома туздилар.

ЧАЁН. Барча ноаниқликлар туфайли юзага келган муаммоларни ҳафтанинг бошида аниқлик киритиб, бартараф қилинг. Чоршанбада ҳар қандай сафарларни қолдирилинг. Зарар қўришингиз мумкин.

ЎКОТАР. Душанба ақлий ҳамда жисмоний меҳнатдагиларга даромадли кун ҳисобланади. Чоршанба ва пайшанба кун ўз устингизда ишланг. Барча камчиликларни бартараф қилинг. Дам олиш кун оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Барча мушкул ишларни ҳафтанинг бошида амалга оширинг. Чоршанбада уйингизга қутилмаганда меҳмон келади. Дам олиш кун ҳеч қандай ишга қўл урманг.

ҚОВГА. Ушбу ҳафта оғир меҳнатингиз самарасини кўрасиз. Яқинларингиз қизиқарли ва даромадли иш таклиф этишади. Чоршанбада кундалик юмушлардан асабингиз таранглашади.

БАЛИҚ. Ҳафта давомида иқтисодий қийинчиликлар тўғрисида бош қотирасиз. Ечимлар устида дўстлар маслаҳатига таянинг. Чоршанбада қутилмаганда чиким қиласиз. Дам олиш кун ишингизда янгилик юз бериши мумкин.

Ватан ягонадир, Ватан биттадир



лади. Бунинг учун кўнгил тўлиши, тўлқинланиши, юрак титраши керак. Агар оёғингиз остида ётган тошга ҳам ҳайрат ва ҳавас билан қарасангиз, шу ондаёқ дилда шеър тугилиши мумкин:

*Мен тошларда
ранг кўрдим,
Устасин
фаранг кўрдим,
Бир кўшиқ
жаранг кўрдим,
Тошча дилинг
йўқми, айт?*

Демак, шеърятнинг мезони ошиқ кўнгил, дилбар кўнгил, хун

— **Шоирлик қисмат. Бу оддий одамлар тақдирдан фарқли ўлароқ ачиқ ва оғриқли. Тарих эътироф этган Усмон Носир, Чўлпон каби ўнлаб шоирларнинг қисмати бунинг ёрқин далилидир. Тўғри эмасми?**

— Бошига қилич келса ҳам, ажал ўз ўқини кўксига қадаб турган чоғда ҳам иймон-эътиқодда собит бўлган улугларимиз ижодкорликни қисматга айлантира олишган. Ёдингизда бўлса, мустақилликнинг дастлабки йиллари айрим шоирлар қалам-қоғозни бир четга суриб, бозорга ёки пул келадиган соҳага уриб кетишди. Биласизми, мен ижодкорни ҳар кун дарсини тайёрлаши шарт бўлган ўқувчига қиёс қиламан. Сабаби, шоир бир кун иш столидан йироқлашса, бугун бўлмаса эртага

замон эмас, айрим эркалардаги орият, гурур, масъулият ҳиссининг бир оз камёблашиқ қолаётгани сабаб эмасмикан?

— Иймони бут шоир учун, нафақат шоир, ҳар қандай эркак киши учун дунёда аёл зотини забун, эзилган, муҳтож ҳолда кўришдан ортиқроқ азоб йўқ. Ҳадиси шарифда "Эй нодон, сен замондан нолима, Соҳиби замон Оллоҳнинг ўзи", дейилади. Демокриманки, нодон, қорнини, ичкиликни, маишатни қули бўлган эркалар туфайли қўшнисидан гугурт, туз сўраб чиқувчи аёллар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Бундай нобакор эркак зотиға Худойим ўзи инсоф бермаса, уларнинг аёлларига, фарзандларига оғир бўлиши табиий. Шу боис Оллоҳ оталарни, эр зотини оридан, гуруридан жудо қилмасин. Шуни унутмайликки,

истиқомат қилиб, куч тўплаган. Паркентни ҳавас қилган яна ўнлаб тарихий шахсларнинг номларини келтириш мумкин.

*Ой бизнинг қишлоқда ерга яқиндир,
Кўёш ҳам тоғларни ўпиб юз очар.
Паркент осмонда юлдуз учса гар,
Қирларнинг кўзидан уйқулар қочар.*

Бугунги кунда Паркентдаги ижодий муҳит билан ҳам ифтихор қилса арзийди. Ҳозирда ёшларимиз қалбида ижодга, илмга ҳавас уйғотган бу Паркентда туғилиб камолга етган юзлаб фан номзодлари, фан докторлари, раҳматлик устоз шоир Ориф Одилхонов, ҳозирда самарали ижод қилаётган Тўлқин Алимов, Шарифа Салимова, Асом Зиёматов, Жамолддин Абдиев, Усмон Бек каби ўнлаб қалам аҳлини санаб ўтиш мум-

Озодлик ороми

— **Мамлакатимизда Мустиқилликнинг 15 йиллиги шукуҳи кезиб юрган шу кунларда дилингизда қандай ўйлар кечмоқда?**

— Шу азиз ва мўътабар байрам боис ҳар бир юртдошимиз қатори менинг ҳам қалбим фарахбахш туйғуларга тўла.

Навнихол фарзандининг бўй чўзиб, вояга етаётганини кўрган отаона гурурланади, қувончдан қалби қувнайди. Ватан шури билан яшовчи ижодкор учун ҳам худди шундай.

Ахир биз катта имкониятларга эга эканлигимизни дунёга кўрсата олаёмиз. Пойтахтимиз 15 йил олдин қай ҳолатда эди-ю, ҳозир қандай қиёфада. Эзгулик аркаси, бир-биридан кўркам иншоотлар, кўприклар, кенг ва равон йўллар, муҳташам кошоналар, бир-биридан бетакорор гўзал хиёбонлар, умуман шаҳарнинг бугунги яшил қиёфаси кимни ҳаяжонга солмайди, дейсиз. Юртимизнинг чекка гўшаларида ҳам кўплаб таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

— **Маҳмуд ака, ижодкор учун буларнинг бари илҳом манбаи эмасми?**

— Шеър — Яратганнинг инояти ила лаҳзада кўнгилга тушган нурнинг сўздаги товланиши. Шеър осмондан эмас, тоза кўнгилдан тўки-

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир билан суҳбат

кўнгил ҳам... Энг муҳими, шеър қадри шоирнинг тафаккур тигидан тўкилган ташбеҳ билан ўлчанади.

— **Шеърларингизнинг ўз куйи, навоси мавжуд. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти таниқли санъаткорлар томонидан кўшиқ қилинган. Бунинг сирини нимада?**

— Биласизми, шоир қандай шеър ёзишини олдиндан билса ёзмаган бўларди, ёзишга кўрқарди. Шоирликнинг сирини ҳам, сеҳри ҳам шунда. Шоир беш дақиқадан кейин қандай шеър ёзишини ўзи билмайди. Кутилган ёки кутилмаган илҳом унга қандай оҳангдаги шеърни ҳада этади. Шеърда оҳанг борлиги самимийлигида, халқчиллигида. Наздимда, дунёдаги энг гўзал алла ўзбек онасининг алласи бўлса керак. Уларларимиз оҳанги ҳам оналаримиз аллаларидан олинган бўлса ажабмас. Беназир шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганидек:

*Эл устозим, мен эса толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.*

ёзаман, деган хаёлга борса, борди-ю ёзолмаган чоғида ҳам эл олдидаги масъулияти, бекорга совурилиб кетаётган кунни ҳақида ўйламаса, қандай қисмат ҳақида гап бўлиши мумкин?! Қолаверса, мен ижодкорларни ҳаддан ташқари машаққат эгалари дейишларига унча кўшилмаган бўлардим. Мен каби қишлоқда яшаб ижод қилаётганларга аёнки, тонгда сигирини подага кўшиб, рўзгор ташвишларини ўрига кўйиб, кун бўйи далада кетмон чопиб, оқшом уйга қайтиб яна қозон қайнатган, кир ювган, рўзгорига қараган ўзбек аёлининг заҳмати қайси ижодкорликдан кам? Ўзига ортиқча бино қўйган истеъдод эгаси ҳеч қачон кўкармаган, кўкармайди ҳам. Ўзи бир туп райхон ва ёки гул экиб кўкартирилмаган шоирнинг гул ва муҳаббат ҳақида ёзганлари менимча ёлғон...

— **Кимдир аёлни гулга ўхшатади, кимдир ўн тўрт кунлик ой дея осмонга чиқаради. Аммо атрофимизда турмуш, рўзгор ташвишлари деб қирққа бормади қариб қолаётган аёллар йўқ эмас. Бунга**

биз эркаларни Худойим аёлларни бахтиёр қилиш учун яратган аслида. Ҳар қандай ёмонлик, азоб барчадан олдин шоирнинг дилини яралайди. Шу нуқтаи назардан саволингиз менинг ҳам дилиمنى тирнаётган дардларимнинг биридир.

— **Сиз туғилиб камолга етган Паркент тумани бугунги кунда нафақат гўзал табиати, балки ижодкорлари билан ҳам машҳур...**

— Дарҳақиқат, Паркент мақтаса, ҳавас қилса арзигулик гўша. Аввало тоза ҳавоси, пурвиқор тоғлари-ю зиллоқ булоқлари, ширин-шакар узумлари, хуллас, жаннатмакон табиати, айни пайтда танти, оқ кўнгил, очик кўл, дарёдил одамлари билан тилга тушган диёр бу. Румий ҳазратлари "Минбар ўзича азиз эмас, уни азиз қилган минбарда турган одамдир", деганлар. Паркентни тилга туширган ҳам аввало кўлидан ток қайчиси, ўроги, кетмони тушмайдиган деҳқонлари, боғбонлари, соҳибкорлари. Бекорга шоҳ ва шоир ҳазрати Бобурнинг бу тупроққа ҳаваси тушмаган. Зиллоқ булоқлари қайнаб ётган Самсарак аталмиш гўшада бир мuddат

кин.

— **Мустиқилликни мустаҳкамлашда яна қандай омилларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайсиз?**

— Одам бирор хавфни сезса, дарров ўзини асрашга тушади. Киндик қонимиз томган тупроқни, олдиға она сўзини кўшиб айтадиган ватани ўзимизни асрагандай асрашимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Қиёслаш мумкин бўлса, озодлик, хуррият— бу менинг қонимда, жони—менинг жонимда. Мен, сен, у асрасагина, бу ватанга дуч келган одам бош суқавермайди. Кўриқчиси йўқ боғни нафақат бегоналар, ҳатто қушлар, жониворлар ҳам талаб кетади. Шу маънода миллатидан қатъи назар ҳар бир киши ватанининг посбонига айланиши керак. Бу ватанда ўз қадрини йўқотмаган, нафсининг қули бўлмаган, халқ манфаати доимо қалбини безовта қилиб турган шахсина унинг мустиқиллигини асрашга муносиб ҳисса қўша олади.

Шу боис, кўли қадоқ меҳнаткаш халқимизга тўқис бахтиёрлик ороми-мизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Суҳбатдош:
Одил ЭРГАШЕВ,
"Ишонч" мухбири

Изоҳи сиздан

Менинг икки онам бор, Иккиси ҳам меҳрибон. Буниси менга сут берган, Уйдагиси кулчанон.

Ю. ДҮСМАТОВА, Тошкент шаҳри

Сигир: — Шунча бола туғдим, нега бунисининг думи йўғ-а?

Б. МАНСУРОВ, Наманган вилояти

Маърашларинг хўп қизик, Бўйингизда кўпдир чизик. Ачомласам сигиржон, Бағринг мунчалар иссиқ?

Умида ТОЛИПОВА, Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Оқолтин қишлоғи


Хошимжон: — Сарик девни миндим, кел сени ҳам бир минаяй?

Шаҳноза УМАРОВА, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани

Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Кун бўйи иккимиз бирга юрамиз, Нени топсак барини баҳам кўрамиз...

Д. СОБИРОВ



Донолар демишки...

Орзу, тилак йўли меҳнат тагида, Хазинанинг мўли меҳнат тагида.

Абу Шуқур БАЛХИЙ

Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж, Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.

Абдулқосим ФИРДАВСИЙ

Жаҳоннинг шодлигин боиси деҳқон, Унинг бирла экинзор боғу бўстон. Бу ишдан яхши оламда не бордир, Одам наслига бу иш ёдгордир.

Носир ХИСРАВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг ходими Ш.Омоновага падари бузруквори

Йўлдош отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ходимлари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Рустам Турдалиевга волидаи муҳтарамаси

Мукаррам аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ходимлари кенгаш раисининг ўринбосари Рустам Турдалиевга волидаи муҳтарамаси

Мукаррам аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch	Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгирик қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев Навбатчи - Р.Сайдахмедова Мусаҳҳих - Д.Раҳмонова
	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсулов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ТВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар «Белгиси» остида чоп этилади.	Нашарловчи-дизайнер: Н.Сахаров ва Ю.Михайловский
МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси		E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru		Вуорига Г— 1115 Тираж: 7627	
				Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 18.00	
				Сотууда эркин нарҳда 1 2 3 5 6 7 8	